

## КОНСТИТУЦИЯ - ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Санжар Ҳазратқулович Исаков

мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** мақолада давлатнинг бош қонуни Конституция эканлиги, Конституция сўзи лугавий жиҳатдан - Низом, қоидалар тўплами деган маънони англатиши, мазмун-моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини, мамлакатимиз Бош Қомусида жамият ва давлат, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** конституция, бош қомус, жамият ва давлат, фуқаролар, ҳуқуқий норма, ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқ ва бурчлар, ҳуқуқий-демократик, тинч ва фаровон, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Ҳар қандай давлатнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи лугавий жиҳатдан - Низом, қоидалар тўплами деган маънони англатади. Лекин мазмун-моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиши лозим. Мамлакатимиз Бош Қомусида жамият ва давлат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар белгилаб берилган. Амалдаги барча қонунлар ва бошқа ҳужжатлар Конституция негизида ва мувофиқ тарзда қабул қилинади. Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 8 декабрда XII-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI-сессиясида қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриши ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлиб, унда малакатимизни ҳуқуқий, демократик жиҳатдан ривожлантиришининг асосий принциплари белгиланган.

Ҳалқимизнинг асрий орзулари, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган озод ва обод Ватан равнақи тамойиллари, юртимиз фуқароларининг бурч, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассам этган Конституциямиз ҳалқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан эътироф этилганлиги эса, мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширмақда ва мустаҳкамламоқда.

Ўттиз йил мобайнида жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало Конституциямиз билан боғлашимиз бежиз эмас. Нега деганда, асосий Қонунимиз ҳалқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий

мустақиллигимиз ва ривожланиши йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳалқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак наъмунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва фаровон, осойишта яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Конституциямиз қабул қилигандан буён ўтган 30 йил Бош Қомусимизда мустаҳкамланиб қўйилган ҳалқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб бера оладиган устувор тамойилларнинг нақадар тўғри эканлигини амалда исботлади. Айтиши жоизки инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб белгиланган Конституциямизда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало инсон манфаатларига хизмат қилиши, унда аниқ белгилаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда бош қомусимизнинг, ҳар бир моддаси биз учун дастуриламал бўлиб, ҳаётимиз қоидасига айланиши лозим. Бунинг учун асосий қонунимизни умумтаълим мактабларида, олий таълим муассасларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни такомиллаштиришимиз зарур. Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Бош Қомусимиз ҳимоясида ўзаро ҳамжихатлик ва тотувликда яшаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўз тили миллий анъана ва урф-одатларини давом эттиришлари Ўзбекистон фуқароси сифатида эмин-эркин яшашлари Бош Қомусимиз билан кафолатланган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари деб номланган 10-боби муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётдаги рўёби, уни ишончли амалга оширилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Истиқлолнинг асл моҳияти инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир.

Бош Қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги ва шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги қабтий белгилаб қўйилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, тенглар ичра тенглигимизни, келажаги буюк давлат қуришга бел боғлаган бағрикенг, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳужжат сифатида бизнинг йўлларимизни чароғон этувчи юлдуздир. Суверен ва демократик давлат қуриш йўлидан қабтий бораётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз билан фахрланади. Чунки, у бахтимизнинг қомусидир. Юртимиз осойишталиги, Ватанимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаровонлиги ва аҳиллигини Оллоҳ таоло бардовом ва зиёда қилишида ҳисса қўшиш барчамизга насиб этсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Т.:Ўзбекистон,2017.- 48 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. - 80 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635- сонли Фармони. Lex.uz